

*Умирзақов А.М Фарғона Давлат Университети докторанти*

*Umurzakov A.M. Doctoral student of Fergana State University*

## **КАНТ ВА ЭЪТИҚОД КАТЕГОРИЯСИ**

## **KANT AND THE CATEGORY OF FAITH**

*Аннотация: Ушбу мақолада немис классик фалсафаси вакили Иммануил Кантнинг эътиқод категорияси ҳақидаги қарашлари қадимги юнон файласуфларининг эътиқод тушунчаси ҳақидаги илмий фаразлари билан солиштирилади.*

*Abstract: This article analyzes the views of the German classical philosopher Immanuel Kant on the category of belief in comparison with the scientific hypotheses of ancient Greek philosophers on the concept of belief, and expresses thoughts on the philosophical essence of the scientist's own scientific observations on belief*

*Калит сўзлар: эътиқод, ақлий асос, диний қадриятлар, шубҳа, назарий ва амалий билим, воқелик, илм, дин.*

*Key words: belief, trust, rational basis, religious values, doubt, theoretical and practical knowledge, reality, value, science, religion.*

Билиш тарихида эътиқод категориясининг ривожланишига назар ташлаш ушбу жараённинг унчалик силлиқ кечмаганлигидан, балки айрим зиддиятларга дуч келиш орқали содир бўлганлигидан дарак беради. Жумладан, ушбу тушунча дастлаб антик давр файласуфлари томонидан билиш жараёнини ўрганишда ёрдамчи категория сифатида пайдо бўлганлиги ва қўлланилганлиги кўзга ташланади. Масалан, Платон ўз қарашларида эътиқод деганда инсон руҳиётининг билиш билан боғлиқ бўлган таркибий қисми деб тушунтирган бўлса, Аристотель эса инсон тафаккуридаги ишончнинг субъектив, психологик асоси сифатида тушунтиришга уринган. Унинг таъкидлашича, “ҳар қандай фикрга

эътиқод, эътиқодга эса ишонч, ишонч учун эса рационал асос”<sup>1</sup> замин бўлиб ҳисобланади. Умуман олганда бу даврда билишнинг асосий методи кузатиш бўлганлиги ва ундан кенг фойдаланилганлиги эътиқод категориясини тушунишда ҳам ўз аксини топган эди.

Ўрта асрларга келиб эса диний қадриятларнинг устивор мавқега кўтарилиши оқибатида эътиқодни фалсафий категория сифатида ўрганишда унга билимни қарши қўйишга уриниш ҳоллари кучайганлиги яққол кўзга ташланади. Ушбу ҳол дин ҳукмрон мавқега кўтарилган ўрта асрчилик шароитида билим ва ҳақиқатнинг ягона манбаи эътиқод эканлиги билиш жараёни таянадиган асосий тамойил устивор моҳият касб этганлигининг оқибати бўлди. Бу эса ўз навбатида эътиқод масаласида рационаллик ва иррационаллик муаммолари муносабатига нисбатан аста-секин файласуфларнинг қизиқиши ортиб боришига сабаб бўлган эди.

Ана шу маънода Янги Давр фалсафасига асос солган буюк немис файласуфи И. Кантнинг эътиқод, ишонч ва билиш тушунчалари тўғрисидаги фалсафий қарашлари алоҳида ўрин эгаллайди ва катта қизиқиш уйғотади. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, диний дунёқараш билан муроса қила олмасликдан иборат марксча фалсафа ҳукмронлиги даврида Кантнинг бу борадаги қарашлари анча танқидларга дучор этилган эди. Хусусан, “Соф ақлни танқид” асаридаги “Мен эътиқодга жой бериш учун билимни чеклашга мажбур бўлган эдим”<sup>2</sup> ибораси учун у агностицизмда айбланиб, баҳо берилган эди. Бунга марксизм фалсафасининг ушбу немис файласуфи қарашларига нисбатан адолатсиз муносабати сабаб бўлган эди. Гап шундаки, бу иборанинг немисча вариантыдаги *aufheben* феъли аслида фақат чеклаш маъносидан кўра бошқа кўплаб маъноларга ҳам эгаллиги немис файласуфини қоралаб тасвирлаш учун эътибордан четда қолдирилган. Ҳолбуки, иборадаги ушбу

---

<sup>1</sup> Аристотель. Соч.: в 4 т. М., 1975. Т.1. Стр. 66.

<sup>2</sup> Кант И. Критика чистого разума. М.: Наука. 2006. Т. 2. Ч.1. Стр.1081

терминни Кант билимни эътиқоддан устун қўймоқ, кўтармоқ маъносида ишлатган.

Худонинг борлиги ва нариги дунёнинг мавжудлиги Кантнинг фалсафий қарашлари орасида алоҳида эътиборга лойиқ фикр ҳисобланади. Ўз таълимотида у ушбу қарашларни эътиқодга айлантириш мақсадида Худонинг борлигини исбот талаб қилинмайдиган “биз учун нарса” сифатида тушунтиришга уринди. Бунинг учун Кант Худонинг борлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайдиган ва исбот талаб қилмайдиган билим деб эълон қилди ва шунинг учун у ўз моҳиятига кўра эътиқоддан устун туришини таъкидлади. Шунинг учун Кант эътиқод тушунчасини ўрта асрчилик шароитидаги Аврелий Августин сингари айрим христиан догматикларидек *credo ut intelligam*, яъни “англаш учун эътиқод қиламан”, қабилида бирон бир диний қарашлар тизимига ишонишдан иборат деб тушунган эмас. Айни пайтда, Кант учун эътиқод тушунчаси кўпчилик диндорлар ҳисоблаганидек, мартаба учун фахрланиш предмети ҳам эмас. Аксинча, эътиқодга нисбатан бундай ёндашувларни Кант ўзининг “Дин фақат биргина ақл доирасида” асарида қаттиқ танқид қилган эди.

Тарихдан маълумки, эътиқод тушунчасининг йигирмадан ортиқ маъноси таҳлил қилинган ушбу асар, ўз давридаги ҳукмрон доираларнинг қаттиқ норозилигига учрагани сабаб, Кантнинг ҳаётида анчагина муаммоларни келтириб чиқарган эди. Жумладан, 1755 йилда метафизик билим тамойиллари тўғрисидаги диссертациясини ҳимоя қилиб, университетда дарс бериш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса-да, бироқ ана шу асар туфайли бу ҳуқуқдан фойдаланиш И.Кантга осон кечмади. Гап шундаки, юқорида қайд этилган асар сабаб И. Кантнинг кафедрада профессорлик лавозимини эгаллаш учун берган аризаси жавобсиз қолдирилган ва бунга эришиш учун, оз эмас-кўп эмас, ўн беш йил кутишига тўғри келган. Натижада ёш олим ана шу муддат давомида

тирикчилик учун приват-доцент сифатида фаолият кўрсатишга мажбур бўлган.

Кант фикрича, “этикод” сўзи, аввало, фикр ва билим қатори субъектнинг у ёки бу мулоҳазаларининг ҳақиқийлигига ишониш даражасини баҳолаш категорияси бўлиб, барча ҳолларда ҳам уни динга алоқадор тушунча деб бўлмайди. Бунда маълумки, Кант математика ва назарий табиётшуносликка оид билим (die Wissen)ларни ишонарлилик даражаси энг юқори бўлган билимлар деб ҳисоблаган ва шунинг учун ана шу иккала фанни этикодда ҳеч қандай шубҳа уйғота олмайдиган назарий билиш фанлари қаторига қўйган<sup>3</sup>.

Шу ўринда у фикр (die Meinung) тушунчасини ҳам тавсифлаб, унинг инсон ишончининг қуйи даражасида туришини таъкидлайди. Кант фикрича, фикр субъект томонидан у ёки бу мулоҳазанинг ҳақиқийлигининг эътироф этилиши, тан олинишидир. У таъкидлайдики, фикр субъект томонидан назарий билиш талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолдагина билимга айланиши мумкин. Шунинг учун Кант этикодни қатъий ишонч дея баҳолаган эди. Бироқ айни пайтда, унинг фикрича, этикод фикрдан фарқли равишда билим бўла олмаслиги мумкин, чунки уларнинг предметлари бир биридан тубдан фарқ қилади ва турлича мақсадларга хизмат қилади. Билиш фаолиятининг охир оқибатда билим ва этикодга элтувчи усуллари ҳам бир биридан қатъиян фарқ қилади. Билим, Кант фикрига кўра, фақат назарий билиш жараёнининг маҳсули бўлиши мумкин бўлса, этикод эса қуруқ муҳокамага асосланган (спекулятив) ва амалий билиш жараёнининг маҳсулидир.

Таъкидлаш ўринлики, Кант томонидан ўйлаб топилган ва илмий муомалага киритилган “назарий билиш” ва “амалий билиш” терминлари унинг замондошлари учун ҳам нотаниш эди, чунки шу пайтга қадар фалсафада рационал ва эмпирик билиш турларигина маълум бўлиб,

<sup>3</sup> Кант И. Прелегомены. М.: 1994, Т.4.

улардан назарий ва амалий фанлар доирасида анъанавий равишда фойдаланиб келишар эди. Ваҳоланки, рационал билиш қатъий талаблар доирасида чегараланган жараён бўлса, эмпирик билиш эса инсон фаолиятидан ташқарида амалга ошириб бўлмайдиган, уларнинг истак-иродаси томон йўналтирилган жараён эканлиги ҳамма учун тушунарли эди.

Шу маънода Кант талқинидаги назарий ва амалий билиш анъанавий қарашлардан фарқ қилади. Кўпчилик файласуфлардан фарқли равишда, Кант тушунтиришича, назарий билиш эмпирик билишнинг зидди эмас ва, бинобарин, рационал ҳисобланмайди. Билишнинг икки турини таққослар экан, Кант айтадики, ақл “ўз предметига икки ёқлама муносабатда бўлиши, хусусан: ёки ушбу предмет ва унинг тушунчасига оддийгина таъриф(*die Bestimmung*) бериши, ёхуд уни амалга ошириши (*wirklich zu mfchen*) мумкин. Биринчиси ақлни назарий, иккинчиси эса амалий билишни (*Erkenntnis der Vernunft*) англатади”<sup>4</sup>.

Воқеалар ривожининг истиқболини кўра олиш орқали башорат қилиш ёки номаълум бўлган воқеалар ёки қонунларни кашф этиш, Кант фикрича, назарий билишнинг мақсадига кирмайди. Илмий кашфиётлар қила олиш алоҳида тоифадаги ноёб талант эгаларининг камёб қобилиятидир. Бундай кишилар ўзларидаги табиатнинг ушбу улуғ инъоми тўғрисида ҳеч ким билан бўлишишмайди. Назарий изланишларнинг асосий мақсади, соғлом фикрлай оладиган кишилар томонидан ҳақиқатан мавжуд бўлган (*das ist*) нарсаларни билишдан иборат<sup>5</sup>. Бор бўлган нарсаларнинг мавжудлиги (*das Dasein*) га, Кантнинг таъкидлашича, фақат биргина бенуксон мантикий мулоҳазалар ёрдамида, шунингдек, интеллектуал интуиция (*intellektuelle Anschauung*)ни ишга солган ҳолда ишонч ҳосил қилиш мумкин эмас<sup>6</sup>. Бирон нарсанинг ҳақиқатан мавжудлигига мушоҳада

<sup>4</sup> Кант И. Критика чистого разума. М.: Наука. 2006. Т. 2. Ч.1. Стр.10

<sup>5</sup> Кант И. Критика чистого разума. М.: Наука. 2006. Т. 2. Ч.1. Стр.812.

<sup>6</sup> Кант И. Критика чистого разума. М.: Наука. 2006. Т. 2. Ч.1. Стр.437.

қилинаётган предметнинг тафаккурдаги у ёки бу тушунчага мувофиқлигини аниқлаш йўли билан ишонч ҳосил қиламиз, дейди Кант.

Бунда мазкур предметнинг маконий ва замоний ҳамда ҳиссий мушоҳадавий тавсифлари (масалан, металлга хос бўлган ярқираш ва б.) бўлиши шартлигини ҳам эслатиб ўтади. Кант тасаввуридаги назарий билиш ён-атрофимиздаги предметлар, ўсимликлар, ҳайвонот олами жониворларини аниқлаш, таниш ва тасаввур қилишдан иборат. Рационал билиш предметлари эса теология, психология ва космологияга оид бўлиб (масалан, худо, ўлмас жон ва руҳ, олам ва б.), амалий жиҳатдан ҳиссиёт, мушоҳада этиш мумкин бўлмаган моҳиятдир ва шунинг учун улар назарий билиш эмас, балки спекулятив, яъни қуруқ муҳокамага асосланган билиш объектлари ҳисобланади<sup>7</sup>. Ушбу предметлар ҳақидаги билимларнинг ҳақиқатлигини назарий исботлаш фақат тажрибага оид бўлган предметларни билиш билан боғлиқ бўлган математика ва назарий табиётшунослик усуллари ёрдамида мумкин бўлиб, бундай усул, Кант фикрича, фақат мантиқий зиддиятлардан иборат бўлган антиномияларни ҳосил қилади. Мантиқий зиддиятларга эга бўлмаган билимлар эса рационал бўлиб, уларнинг ҳақиқатлиги ҳеч қачон шубҳа уйғотмайди ва шунинг учун уларга ишониш мумкин. Масалан, худонинг борлиги, унинг мавжудлиги бизнинг руҳимизда ва оламдалиги мантиқан зиддиятсиз билимлардир. Бундай ишончни Кант доктринал эътиқод деб атаган. Унинг фикрича, ўзга сайёраликларнинг борлиги ҳам ана шундай ишончли эътиқодга киради<sup>8</sup>.

Маълумки, Кантнинг ҳаёти ва фаолияти иккита, яъни “танқидгача” ва “танқидий” даврларга бўлинади. Танқидгача даврида у худонинг борлиги тўғрисидаги эътиқодда ахлоқий амалларни йўналтириш воситасини тасаввур этган бўлса, танқидий даврга келиб эса эътиқодда инсон ҳаётий

---

<sup>7</sup> Кант И. Критика чистого разума. М.: Наука. 2006. Т. 2. Ч.1. Стр.812.

<sup>8</sup> Кант И. Критика чистого разума. М.: Наука. 2006. Т. 2. Ч.1. Стр.1035.

фаолиятининг ажралмас таркибий қисмини кўра бошлади. Унинг хулосасига кўра, инсонлар у ёки бу ҳатти-ҳаракатларини амалга ошириш ёки улардан тийилиш ҳақида бир тўхтамга келиш ҳақидаги қарорга бундан бирон бир муваффақиятга эришиши ёки ҳеч нарсага эриша олмасликлари учун эмас, балки улар ёрдамида ўз мақсадларини амалга оширишларига ишонишлари ёки ишонмасликлари учун келишади. Бунда Кант ўз мақсадларига эриша олишга нисбатан ишончни мўлжалдаги режани амалга ошириш умидидан иборатлиги учун амалий ишонч деб атайди.

Фаолият усулларини Кант ҳатти-ҳаракатнинг амалий қоидалари ёки ахлоқий талаблар (императивлар) деб атайди. Ахлоқий талаблар (императивлар) рост ёки ёлғон бўлиши мумкин эмас, чунки улар умуман мавжуд бўлмаган ва йўқ нарсалар ҳақида, яъни агар бунга бизда истак бўлмаса уни амалга ошириш буюрилган-у, лекин ҳеч қачон амалга ошмайдиган ҳаракатларни англатади. Шундай экан, ахлоқий талаблар (императивлар) фақат фойдали ёки зарарли, бажарилиши зарур ёки мажбурий бўлмаганлардан иборат бўлиши мумкин.

Бундан маълум бўладики, Кант фалсафасида эътиқод мантиқий исботлаш мумкин бўлмаган, балки ахлоқий императивни асослаш учун зарур бўлган ақлнинг позицияси, деб тушунтирилади. Гарчи, Кант қарашларида муайян зиддиятлар мавжуд бўлса-да, улар файласуфларни эътиқод категорияси хусусида кенгроқ мушоҳада юритишга ундаганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳар қандай эътиқод бирон-бир билим асосида қарор топади. Демак, эътиқод асосида ҳамиша бирон бир билим туриши керак. Бу билимни эътиқодга тенглаштирилган “ишонч” атамаси билан айнанлаштириб бўлмайди. Бироқ айни пайтда, юқорида ҳам таъкидланганидек, ишонч бўлмаса эътиқод ҳам бўлмайди. Бу тўғрида баъзи замонавий адабиётларда ҳам алоҳида уқтирилмоқда: “Ишонч – ...эътиқод асоси, анъанавий,

маданий, ахлоқий, ижтимоий, сиёсий ва б. тамойиллар, меъёрлар, анъаналар, қадриятларни онгли равишда ўзлаштириш йўли билан тарбияланишнинг асосий усуллари, шахсда эътиқодни шакллантириш омили”<sup>9</sup>дир.

Демак, эътиқодга айланиши учун билим ҳақиқат билим бўлиши жуда муҳим. Билим ҳақиқат бўлиши учун эса, унинг моҳияти ва мазмуни унда акс этаётган воқеилик ва объектив реалликка тўлиқ мос келиши керак. Бу эса масаланинг айнан онтологик жиҳатини ташкил қилади. Фақат ана шу маънодагина эътиқодга берилган айрим манбалардаги “Эътиқод – бирон нарсага нисбатан билдирилган ишончли қараш, нуқтаи назар, мустаҳкам шаклланган фикр” деган таърифга қўшилиш мумкин<sup>10</sup>.

Немис классик фалсафасининг буюк вакили бўлган И.Кант таълимотида ишлаб чиқилган эътиқод категориясининг ўзига хос моҳияти фалсафий тафаккур тараққиёти учун муайян даражада аҳамият касб этди. Жумладан, бу борадаги унинг янгича ёндашувлари ва қарашлари энциклопедизмга даъво қилган ҳолда йўналтирилган бўлиб, тадқиқ этилаётган мавзу доирасидаги муаммолар майдонини сезиларли даражада кенгайтди. Бу, аввало, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида немис классик фалсафасининг шаклланиши ва янада ривожланишида ақлни табиатдан тарихга қўчириш жараёнида рационализм тамойилларини қайта тиклаш учун яқиндан ёрдам берди ва бу билан Фихте, Шеллинг, Гегель, Файербах каби файласуфлар таълимотини ўзида акс эттирган Янги Давр фалсафаси учун алоҳида замин ролини бажарди.

Гносеологик зарурият эса бугунги кунда ҳам бутун Кант фалсафаси сингари унинг эътиқод категорияси хусусидаги қарашларига ҳам қайта-қайта мурожаат қилишга ундамоқда.

---

<sup>9</sup> Қаранг: Маънавият. Асосий тушунчаларнинг изоҳли луғати. Т. 2013. 115-бет.

<sup>10</sup> Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. М., 2001. Стр. 821.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аристотель. Соч.: в 4 т. Москва, 1975. Т.1.
2. Кант И. Критика чистого разума. Москва: Наука. 2006. Т. 2. Ч.1.
3. Кант И. Прологомены. Москва: 1994, Т.4.
4. Маънавият. Асосий тушунчаларнинг изоҳли луғати. Тошкент. 2013.
5. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. Москва, 2001.